



ФИДОЙИ ИНСОНЛАР ҲАҚИДАҲИКОЯЛАР

«БИЗНИ ҲАЁТГА ҚАЙТАРДИ»

Шу кунги милиция капитани Рўздат Саъдуллаев шахсий машинасида Урганчдан уйга қайтаётганди. Митянов номли заҳкаш устидаги кўприкка яқинлашганда, ҳар иккала қирғоққа тўпланган одамлар унинг эътиборини тортди.

Йўлида давом этди. Аммо қандайдир безовталик уни орқага қайтишга мажбур этди. Йиғилганлар ёнига яқинлашди. Сув тўлиб оқаётган заҳкашнинг қоқ ўртасида «Жигули» машинаси тўнқарилганча сувга ботиб ётарди. Кишилар нима қилишни билмасданми ё лоқайдликданми, томоша қилганларича ҳодисани талқин этишарди.

— Қўчқордай пешоналари билан урилишди. Ўзим кўрдим. — Ичидегилар ўлган бўлса керак...

Рўздат ўйланиб ўтирмай кийимлари билан ўзини сувга олди ва машина эшигига ёпишди. Лекин кучи етмади. Тўпланганлар орасидан мўйловли бир йигит унга ёрдамга келди. Биргалашиб эшикни очишди. Машина ичида қонга беланган 2 аёл ва 3 эркек ётарди. Рўздат эркекни даст кўтариб қирғоққа суза бошлаган ҳам эдики, каловланиб турган одамлар ҳам ҳаракатга келишди. Уларнинг ёрдамида беш киши соҳилга олиб чиқилди. Дарҳол йўловчи машиналарни тўхташиб, жабрланганларни Хонқа касалхонасига жўнатишди.

Кейин маълум бўлишича, 27 апрель кунги Богот тумани матлубот жамиятига қарашли 02-93 ХЗЖ рақамли «ВАЗ-21011» белгили машинани бошқариб бораётган О. Отажонов рўпарадан келаётган Хонқа тумани техника таъминоти-ишлаб чиқариш бирлашмаси механиги Ю. Латипов ҳайдаётган «ГАЗ-24» машинаси билан тўқнашиб кетган экан. Натижада О. Отажонов йўловчилари Урганч педагогика билим юрти ўқувчиси Д. Раҳимов, унинг эри М. Раҳимов, Богот тумани Крупская номли мактаб ўқитувчилари эр-хотин З. Жуманиёзова ва Ж. Жуманиёзовлар турли даражадаги тан жароҳатлари билан шифохонага келтирилди. О. Отажонов эса бевақт дунёдан кўз юмди.

Расмий ҳужжатда воқеа тўғрисида шундай маълумот бор. Унда Рўздат ҳақида ҳеч нима дейилмаган. Агарда даволаниб чиққан Зумрад ва Жамалиддин Жуманиёзовлар, Дилноза ва Мақсуд Раҳимов-

лар ички ишлар бошқармаси бошлиғига мактуб йўллаб, Р. Саъдуллаевнинг мардонавор, қатъий ҳаракатлари туфайли омон қолганликларини баён этмаганларида, бу ҳақда ҳеч ким билмас экан.

«Биз Р. Саъдуллаев туфайли тирик қолдик. Яна бир неча дақиқа бой берилганда, ҳалок бўлишимиз шубҳасиз эди. Бизларга қайта ҳаёт ҳада этгани учун Рўздат Саъдуллаевдан миннатдоримиз. Шундай ажойиб инсонни тарбиялаган ота-онасига, ички ишлар бўлими раҳбариятига раҳмат. Шунингдек, машинасини катта тезликда ҳайдаб, бизларни ўз вақтида касалхонага етказган номаълум ҳайдовчиларга ҳамда бошқа ёрдамчини аямаган одамларга қўлимизни кўсимизга қўйиб таъзим қиламиз», — дейилди ушбу хатда.

Рўздат билан учрашганимда эса унинг ниҳоятда камтарлигига амин бўлдим.

— Мен ҳеч қандай жасорат кўрсатганим йўқ. Инсонлик бурчимни бажардим, холос. Уларга ёрдам беролганимдан ўзим ҳам хурсандман. Фақат мени бир нарсаси қийнайди. У ҳам бўлса «Тез тиббий ёрдам» машинасининг воқеа содир бўлган жойга келмагани. Одамлар хабар бердик дейишганди. Ахир, мен у ерга етиб келганимда воқеа содир бўлганига ярим соатларча бўлган экан. Уларни олиб чиқиб, жўнатгунча яна тахминан шунча вақт кетди. Балки хабар етиб бормаяндир-а, нима дейсиз?

Мен нима ҳам дердим. Яхшиси бу саволни Хонқа тумани марказий касалхонаси раҳбарлари эътиборига ҳавола этайлик. Эҳтимол улар бунинг сабабини аниқлаб, бироқ чора кўришар.

Рўздатнинг одамийлиги, ҳар қандай вазиятда ўзини йўқотмаслиги ҳақида туман ИИБ ходимларидан ҳам эшитдим.

— У доимо шундай, камсуқум ва олижаноб, — дейишди участка инспекторлари милиция капитанлари Комилжон Иброҳимов ва Худойёр Қурбоновлар воқеадан огоҳ бўлишгач.

Ҳа, Рўздатдай инсонлар доимо сафларимизда кўпаяверсин. Яша, жўра!

Ҳимматингни тут баланд эл олдида,

Ҳимматингча мартабанг бўлғай баланд.

К. ОСТОНАЕВ.

Кўнгилхушлик БАҲОСИ

1969 йилда туғилган Н. ва 1968 йилда туғилган С. ларнинг кўнгил очилари келиб қолди. Улар кетаётган автомашинага қўл кўтарган йўловчи қиз йигитларнинг кайфини чоғ қилиб юборди. Назарида ўйлаган режаларини амалга ошириш учун бундан қўлайроқ пайт бўлиши мумкин эмас эди.

Аммо Ильич туманидаги Гагарин номли давлат хўжалиги марказига бориши керак бўлган машинанинг Узоқов номли давлат хўжалиги ҳудудига бурилганини кўр-

ган қиз дарҳол уловни тўхта-тишни талаб қила бошлади. Рулни бошқараётган Н. унинг бақир-чақирига заррача эътибор қилмади. С. эса қиз ўзини машинадан ташлаб юбормаслиги учун қўлларидан маҳкам тутиб турарди. Далада ишлаётган кишиларнинг хўшёрлиги туфайлигина қизнинг боқирлиги сақлаб қолинди. Кўнгилхушлик икки оғайнига қимматга тушадиган бўлди.

Ф. МАЛИКОВ,
милиция капитани

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг фармони КПССНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ССР ҲУДУДИДАГИ МУЛКИ ТЎҒРИСИДА

Республика меҳнаткашларининг кўпдан-кўп истак ва талабларини, жамиятда содир бўлаётган янада демократиялаш жараёнларини эътиборга олиб, Ўзбекистон ССР-нинг давлат мустақиллиги тўғрисидаги Декларацияга ва СССР Президентининг «Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг мулки тўғрисида» 1991 йил 24 августдаги фармонида амал қилиб:

1. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Ўзбекистон ССР ҳудудидаги бутун мулкни республика мулки, яъни умумхалқ мулки, деб эълон қиламан.

2. Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси ва жойлардаги халқ депутатлари Кенгашлари ушбу фармонни рўёбга чиқариш борасида зарур ишларни амалга ошириб, республика мулки, деб эълон қилинган партия мулкнинг сақланишини ва бундан буён шу мулкдан Ўзбекистон ССР Қонунларига мувофиқ фойдаланишни таъминласинлар.

Маъмур фармон имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради.

Ўзбекистон Совет Социалистик
Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри. 1991 йил 29 август.

СССР ОЛИЙ
КЕНГАШИНИНГ
ҚАРОРИ
СССР ХАЛҚ ДЕПУТАТИ
А. И. ЛУКЬЯНОВНИ
ЖИНОИИ
ЖАВОБГАРЛИККА
ТОРТИШ ВА ҚАМОҚҚА
ОЛИШГА РОЗИЛИК
БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Кенгаши
қарор қилади:

«СССР халқ депутатининг мақоми тўғрисида»ги СССР Қонунининг 34-моддасига мувофиқ СССР халқ депутати Анатолий Иванович Лукьяновни жиноий жавобгарликка тортиш ва қамоққа олишга розилик берилсин.

СССР Олий Кенгаши.

Москва, Кремль.
1991 йил, 29 август.



ПСКЕНТ тумани ИИБ ходимлари жиноятчи шахсларга қарши самарали кураш олиб бормоқдалар.

Оператив гуруҳ аъзолари зудлик билан воқеа содир бўлган жойга етиб боришмоқда. Бугун эса улар олдидан жиддий вазифа турибди. Хавфли жиноятчини ушлаш мақсадида қатнашиш учун наватчилик қисмининг катта инспектори милиция капитани Баҳром Турғунбоев, балоғатга етмаганлар билан ишлаш инспекцияси ходимла-

ри — милиция лейтенанти Олимжон Элчиев, милиция старшийс Бахтиёр Бакиров, патрул-пост хизмати милиционерлари Собир Исроилов, Имомжон Абдураizzoқов, эксперт-криминалист милиция кичи сержанти Шухратбек Исломо-ков, милиционер-шофёр Саидусмон Бобоев йўлга отланмишди.

СУРАТЛАРДА: оператив гуруҳнинг машқ пай-тидаги фаолиятдан кўринишлар.
Ҳабибулла Шодиев олган суратлар.

2 СЕНТЯБРЬ КУНИ ЯНГИ УҚУВ ЙИЛИ БОШЛАНАДИ

ТАБАССУМ СЎНМАСИН

Уқувчиларнинг ёзги таътил кунлари ҳам тугаб бормоқда. Ҳадемай сўлим оромгоҳларда ҳордиқ чиқариб қайтган болаларнинг шодон қийқириқлари кўча ва хибонларни тугиб кетади. Уларни кўриб, ҳар бир одамнинг юзларига табассум югуради.

Лекин ўтган йиллардаги кузатувлардан шу нарса маълумки, айтиш мумкин бўлади, айтиш мумкин бўлади. Йўл ҳаракати қоидаларини бир мунча унутиб қўядилар. Масаланинг ана шу томони ҳисобга олиниб, икки йилдан бери 17 соатлик дастур асосида асосан улов воситалари билан гавжум жойларда юриш қоидалари ўргатилмоқда. Афсуски, баъзи жойларда бу ишга панжа орасидан қара-

моқдалар. Жумҳуриятдаги мактабларнинг атиги 14 фонзида амалий машғулотлар ўтказиш учун махсус автомайдончалар бор. 65 фонз мактаблардагина автоназоратчилар отрядлари ташкил этилган. Ёш автоназоратчилар отрядлари махсус формалар ва бошқа керакли анжомлар билан етарлича таъминланмаганлар. Хуллас, автомобил ҳалокати натижасида болалар жароҳатланишлари олдини олиш бўйича фаолият низом асосида ташкил этилмапти.

Агар атрофга синчковлик билан разм солсак, шу йилнинг ўтган етти ойи мобайнида жумҳурият йулларида юз берган 3 минг 52 та кўнгилсиз ҳодисага ана шу бепарволик сабаб бўлганини ҳис қилиш қийин эмас. Ахир, шу кўнгилсиз ҳодисалар натижасида 405 нафар бола ҳаётдан кўз юмди, 2 минг 669 нафари турли даражадаги тан жароҳатлари олганлиги учун шифо-


хоналарга ётқизилди. Агар тахлилни янада кучайтирадиган бўлсак, бу автофалокатларнинг 1 минг 159 таси фақат болалар айби билан юз берди.

Масаланинг ҳозирча теша тегмаган бир томони бор. Баъзи ҳолларда мураббийларнинг ўзлари билиб-билмасдан қайсидир бир ёш вужднинг умрига зомин бўлмоқдалар. Шу йил 28 июль кунини Зомин туманидаги шифохоналардан бирига автофалокатга учраб, тан жароҳати олган бола келтирилди. Унинг исм-шарифи Келдиёр Султонов. Милиция ходимлари А 09-18 ДД рақамли «Москвич-412» белгили машина эгасини аниқладилар. У шу тумандаги Крупская номида 37-ўрта мактаб ўқитувчиси Амиркул Холмуродов экан. Бунинг майли, тасодиф дейлик. Лекин халқ таълими системасидаги ўқув даргоҳлари вакиллари томонидан ўтган етти ойда 20 минг 211 марта йўл ҳаракати қоидалари қўпол равишда бузилганига нима дейиш мумкин? Уларнинг 592 нафари маст ҳолда улов бошқараётганда тўхтатилган.

Кўза кунда эмас, кунда синади. Шу боис бепарволикка умуман йўл қўймаслик керак. Токи фарзандлар қувончини кўрганда лабларимизга югурадиган табассум умри узоқ бўлсин.

Анвар НАЗАРОВ,
УзССР ИИБ ДАЊБ ходими
милиция капитани.

СУРАТЛАРДА: Йўл-улов
ҳодисалари оқибати.
Михаил ТАТАРНИКОВ олган
суратлар.



Фойдали мулоқот

Ўтган кунини жумҳурият ички ишлар вазири ўринбосари полковник Қурбонбой Боймуродов «Постда» рўзномаси ижодий жамоаси билан учрашув ўтказди.

Очиқ суҳбат давомида 1992 йил учун обунанинг бориши, ижодий жамоа иш шароитини яхшилаш, рўзноманинг танқидий чиқишлариға муносабат, «Давлат тили тўғрисида»ги Қонун ижросини ёритиш каби мавзуларда сўз юритилди.

Вазир ўринбосари рўзнома жамоаси фаолиятидаги ютуқ ва камчиликларға тўхталиб, «Постда»ни янада ўқимшли материаллар билан бойитиш борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

— Таҳририят ва унинг ижодий жамоаси олдида турган муаммоларни ҳал қилишда қўлимиздан келгунча ёрдамға тайёرمىз, — деди Қурбонбой Боймуродов. — Шу билан бирга ҳаққонийлик, ваъданилик, ҳолислик рўзномадаги ҳар бир материал маъзини ташкил этиши керак, деб ҳисоблайман. Бирёқламлик рўзнома-савар меъдасига тегмади. Сизлар Қонун ҳимоясида турган ходимлар минбарисиз. Шундай экан, рўзнома фақат адолатга, ҳақиқатга хизмат қилсин.

Ғ. ТЕМИРОВ.

КИМ АЙБДОР?

Яқинда зарурат юзасидан «Тошкент» автошўбекага борман эдим. Савдо расталари ёнидан ўтаётим, аянчли бир воқеанинг гувоҳи бўлдим. Одамлар гавжум бўлган жойда бир тўда кишилар нимадир қилишмоқда. Бирор ноёб нарсани сотилаётган бўлса керак-да, деган ҳаёлда назар ташладим. Ажаб, баланд бўйли бир йигит стол устида ангишвонани усталик билан у ёқ-бу ёққа сулар, оғзи эса гапдан тўхтамас эди. Ангишвоналардан бирининг остида коптокча бўлиб, ўшани топганга юз сўм беришни, тополмаса, ўйинга қўшилган киши шунча пул ютқизишини тўтидай такрорларди. Баъзан жўртага коптокча қайси ангишвона тағида эканлигини кўрсатиб қўяр эди. Шу пайт ўрта ёшлардан ўтиб қолган бир киши унинг макрига учди. У мен ўйнайман, дея қўлини кассасига солди. Ўйинга юз сўм тикиб, ангишвоналардан бирини кўтарган эди, ичиди ҳеч вақо йўқ экан. Бир зумда шўрликнинг ажини босган юзларидан ранг қочиб, кирза этик кийган оёқлари қалтирай бошлади. Чунки у шу лаҳзада бир ойлик маошидан айрилганди-да. Кейин эса: «Ҳеч бўлмаса ўн сўмни қайтариб беринглар, Жиз-

захга етиб олишим керак», — дея ялина бошлади. Аммо унинг сўзларига ҳеч ким қўлоқ солмади.

Мен ич-ичимдан жуда ачиниб кетдим. Лекин ким айбдор? Умрида бундай фирибгарларга биринчи мартаба дуч келган жиззахлик деҳқонми ёки ўз қаторларидан жой берган савдо ходимларими? Эҳтимол, жамоат тартибини кўнгилдагидек йўлга қўя олмаган участка вакилидир? Менимча, ҳаммаси айбдормиз. Ўзини даҳлисиз сезган текинхўрларга эса бу жуда қўл келмоқда. Шу ўринда мени яна бир савол қийнайди. Ахир, қачонгача бизнинг гўрлимиз туфайли жумҳуриятимиз пойтахти нопок одамларга макон бўлиб қолаверади? Эътибор берган бўлсангиз, бундай мазахўрақлар шаҳримиздаги бозор ва бошқа аҳоли гавжум бўладиган жойларга уя қуриб олишган. Тўғри, халқимиз ўзини эҳтиёт бўлу, қўшнингни ўғри кўрма, деб бежиз айтмаган. Шундай экан биз бундай фирибгар кимсаларнинг макрига учмаслигимиз керак. Содда одамларнинг уларга лақақ тушишини томоша қилиб туришимиз ҳам инсофдан эмас.

Маҳкам ҲАКИМОВ,
меҳнат кексаси.

АКС-САДО

ҚЎШИЛМАЙМАН

Мен рўзноманинг 27 июль сонидида чоп этилган журналист Дилмурод Саидовнинг «Менинг сўровларим» сарлавҳали мақоласини синчиклаб ўқиб чиқдим. Шу мақола бўйича айнан Д. Саидовга рўзнома орқали ўз фикримни билдирмоқчиман.

Дилмурод, мақолангизда аёллар томонидан эркакларга нисбатан ҳурматсизлик кучайиб бораётгани сизда ташвиш уйғотгани сезилиб турибди.

Хўш, эркак ва аёллар ўртасидаги бир-бирига бўлган ҳурмати, шарқона удумни тиклаш учун нима қилиш керак?

Энди, укажон Дилмурод, бир-бирига ҳурматсизликни ёмон касаллик деб фараз қилиб, нима учун давримиз аёллари унга дучор бўлганини ҳам синчиклаб текшириб, сабабини аниқлаш керак.

Ҳар кунини ишга келаётим, нон харид қилиш учун йўлдаги дўконга кираман. Бир кунини вино-ароқ бўлими сотувчиси:

— Уялмасизми, қачонгача эрталабдан келиб одамнинг гашига тегасиз, ҳеч бўлмаса болаларни ўйласангизчи! — деб гудурланаётганини эшитиб қолдим.

Сотувчи кимни тарбиялапти, деб беихтиёр ўша томонга қарадим. Қай кўз билан кўрайки, ҳаддан ташқари исқирт, шими ҳеч қачон дазмол кўрмаган, йиртиқ майкада, дастурмолини бошига чамбарак қилиб боғлаган, юзлари шилинган, кўз қабоқлари салқиган қўшним Эргашбой қўлидаги ярим литрлик шиша банкага вино қўйиб беришни талаб қилаётган эди.

Эргашбой ҳеч ерда ишламайди. Эшитишимга қараганда, ҳаётининг оғирлигидан ичармиш. Унинг хотини Одинахон икки ерда фаррошлик қилиб, амал-тақал болаларини боқади.

Мана, энди кўз олдингизга келтиринг. Исқирт, қўлида вино билан қийшайганча уйига кириб келганда, уни ўрнидан туриб салом билан қарши олишга Сиз мақолангизда мисол келтирган Маҳфузахон опангиз керак бўладилар.

Айтайлик, Одинахон чарчади, жонидан тўйдида, эри билан ажрашмоқчи бўлди. Наҳотки суд Сиз сўровингизда айтгандек донадек-донадек у болани бирортасини ўзини эпложмаган, иродасиз пиянистага бериши керак.

Бева аёллар қанчалик қийналмасин, камбағал бўлмасин, болаларини ўза қаноти остида сақлаб, бошқа турмушга чиқишни ҳаёлларига ҳам келтирмайдилар. Энди фоҳишалар тўғрисида:

Ҳақиқатда ҳам аёллар учун бундан ёмон иллат бўлмаса керак.

Лекин ўша фоҳишаларнинг ҳаром танини сотиб олаётганлар ким? Мўмай пул чўнтагидан тошиб чиқаётган бойвачча эркаклар эмасми? Ўша бойваччалар айшу ишратни қилиб, яна ҳеч нарсани кўрмагандек машинасига миниб уйига қайтади. Бечора хотин уни ўрнидан туриб салом бериб кутиб олади. Эрининг қўлига бир пиёла чой тутайди, эртасига кийишига ошпоқ батис қўйлагини ювиб, дазмоллаб қўяди.

Эрининг кирдикорларини хотини сезмайдими? Жуда сезади, заҳар ютгандек ичига ютади. Фарзандларининг отаси бўлгани туфайли унинг ярамас қилиқларини ўзгалардан яширади.

Дилмурод, мақолангизда ўта ҳурматга сазовор бўлган сеvimли академик шоиримиз Ғофур Ғулом: «Йигит омон бўлса, хавфу хатар йўқ...» — деганини эслатиб сиз.

Ҳа, деган, ўша вақтларда деган. Раҳматлик шу кунларгача умр кўрганда, ўз фикрини ўзгартириб, балки бундай деган бўларди: «Йигит омон бўлса, эҳтиёт бўл, қизим. Ишлаб, не ҳасратда олган 1700 сўмлик пальтонини, 1200 сўмлик этигини киймай, бўйнинг ва қўлгингидан олтин безакларини тақмай уйда қолдириб чиқаётганингда, белингга чуст пичогидан қистириб ол. Йигитлар сени зўрлаб номусингга тегаетганда, пичоқни қорнига тикасан».

Мақолангизни яна бир ерда: «Мактаб, боғча, судлов идораларига кирсангиз, эркак зоти анқога шафе...», — дебсиз.

Ўйлаб гапирасизми ўзи, у ерда эркак нима қилсин? Умуман қидиришни билмас экансиз.

Ёлғиз бизнинг жумҳуриятимизнинг ўзида жойлашган ахлоқ тузатиш колонияларида неча минглаб эркаклар тарбияланаётганини биласизми?

Кўрсангиз, уларнинг қадди-қоматига ҳавасингиз келади, суқсурдек йигитлар. Босқинчилик ва зўравонлик қилаётганларида негадир юзларига ниқоб кийиб олишади. Эҳтимол, ўз ҳусни-жамолларидан уялсалар керак ёки нимадандир кўрқадилар. Шунга қарамай ўзларини эркакларнинг хўрози ҳисоблашади.

Айтингчи, шундайларни ҳурмат қилиб бўладими?

Энди лўнда қилиб айтсам, укажон Дилмурод, эркаклар ўзларини ўша Сиз айтган аждодлар давридагидек, тутсалар, аёллар томонидан уларнинг қадри ҳам, ҳурмати ҳам кўҳна замондагидек бўлади.

Мен бунга ишонаман, Сизни ҳам ишонтираман.

Р. ҲАСАНОВА.

МАЪҚУЛЛАЙМИЗ

Биз бир гуруҳ ёшлар ўқув юртининг кечки бўлимида таҳсил оламиз. «Постда» рўзномаси мунтазам кузатиб борадиган нашрларимиздан. Ундаги турмуш билан боғлиқ мақолалар, чунончи, Дилмурод Саидовнинг «Жиноятчилик нега кўпаймоқда?» (22 июль), «Менинг сўровларим» (27 июль) каби чиқишлари муштарийларни баҳсга қорлайди. Илк марта «Менинг сўровларим»ни ўқиган ўқувчиға у гўёки аёлларга таъна тарзда ёзилгандек туюлади. Аммо унинг моҳиятиға чуқурак кириб борилса, аёл ва эркакнинг жамиятдаги ўрнини таққослаш билан тузумимиздаги айрим носоз ўринлар ҳақида фикр юритилганининг шохиди бўламиз.

1-сўров: «Эрининг айби эркак бўлганими?», 3-сўров: «Одоб ёшдами? Хулоса ёки

3-сўровға якуни» бўлимида аёлларимизнинг ҳуқуқий жиҳатдан устунлиги, маънавий таърифдан эса шарқона қадриятларнинг топалаётганлиги анча батафсил ва ўринли қислаш орқали баён этилган. Бунда на аёлнинг, на эркакнинг айби бор. Балки мафкураимизнинг кемтиклиги, қонунчиликда шарқ билан ғарб ўртасидаги тафовутни фарқламаслик оқибатида йўл қўйилган маънавий ўпирилишга кўрсатилган. Бошқача айтганда, аёл назокатини, эркак салобатини турли қонунлар билан белгилаб бўлмаслиги баён этилган. Энди қонуншуносларимиз ҳам бу ҳақда бир ўйлаб кўришса, ёмон бўлмасди.

Т. ЕРКУЛОВ,
З. ХУДОЙҚУЛОВ,
А. БАРОТОВ,
талабалар.

44-УЙДА НИМАЛАР БЎЛГАН ЭДИ?

Ярим тунда Бектемир туманида қотиллик юз берди.

Ҳаммаси тўйдан бошланди. Умуман, у ерда бу воқеалар режалаштирилмаган, ҳеч кимнинг ҳаёлига ҳам келмаган эди. Собиқ синфдошлар учрашибди, ҳасратлашибди... ичишди (айрим гувоҳларнинг таъкидлашича — пиво). Кейин тарқалишди. Ўша машғум тун 1990 йилнинг 19 августига ўтар кечаси эди. Мана орадан бир йил ўтиб ҳам бу «иш» тўлиқ яқун топмади. Адолат, ҳақиқат ҳозирча ўз ўрнида эмас. У ҳозирча копток бўлиб юрибди. Худди мана шу «иш»дек, Уни милиция прокуратурага, прокуратура судга оширган сайин семириб бора-япти. Айни кунда икки томдан иборат. Одамнинг эси кетиши ҳам ҳеч гап эмас уни ўқиб чиққунча.

Хуллас ҳали машғум 18 август эди. Тўйдан собиқ синфдошлар Ислон ва Зарифларнинг хурмачалари тўлмай чиқди. Кеч бўлиб қолганига қарамай Клариса исмли аёлнинг келиши (айрим гувоҳлар «чучварахона», дейишган, хусусий ширкат ошхона бўлса керак). Бу ердан ҳар доим ароқ топиш мумкин. Улар ҳали бир шишани бўшатиб улгурмасларидан яна икки ўртоқлари — Раҳим ва Эркинлар келиб қолишди. Худди келишилгандай (балки келишилгандир). Яна ичишади. Кейин улар учаласи Эркинни шу ерда қолдириб, 10-15 минутдан сўнг келишларини айтиб, чиқиб кетишади. Ва қайтишмайди.

Улар Янбердин М.нинг уйига боришаётган эди. Зариф Ислонга олдинроқ касалга йўлиққанини, ўзига уни юқтирган қиздан ўч олмоқчи эканини айтган (Ислоннинг биринчи кўрсатмаси бўйича шундай). Бу эса Янбердиннинг қизи Зумрад эди. 44-уйга келишгач, чолнинг қизлари деразадан чиқиб қочмасликлари учун Раҳимни уйнинг орқа томонига ўтказиб юборишади. Ўзлари ичкарига киришади.

«Мен уйга кирганимда Зариф чолни швабра билан ураётган эди».
(Ислоннинг дастлабки сўроқ протокоolidан).

Шу ерда нима бўлганини аниқ айтиб беролмайман. Чунки гувоҳларнинг, айбланувчининг берган кўрсатмалари шунчалар ранг-барангки, буларнинг орасидан ҳақиқат қайси эканини аниқлаш мумкин эмас. Бир гувоҳнинг ўзи 2-3 хил кўрсатма бераверган. «Иш»нинг чалқашлиги ҳам шундан. Умуман, гувоҳлар берган маълумотларга асосланиб, тахмин қилишмиз мумкин, холос.

Шундай қилиб йигитлар Янбердин М.нинг уйига киришади. Азламаҳал эди. Уй эгасининг ҳам озроқгина кайфи бўлиб, қизларини сўраганларни сўқиб беради. Уртада келишмовчилик келиб чиқади. Бахтга қарши шу тун чолнинг бир ўзи эди.

«Мени жаҳлим чиқиб қоронғуда нима биландир урдим. Ислон ҳам урди. Раҳим ҳам урди. Кейин билсам, таёқ швабра экан».
(Зарифнинг дастлабки сўроқ протокоolidан).

Хуллас чолни уришади-ю, 13-ётоқхонага боришади. Рита исмли қиз билан ўтириб ичишади. Кейин яна ўша 44-уйга қайтиб келишиб, Исоқ ва Олим исмли ўртоқларини учратиб қолишади (улар бу ерда нима қилиб юришганини худо билади. Ўзларининг айтишларича уйларига кетишаётган экан). Хуллас тарқалишади.

Савол: Сиз шу иш юзасидан қилган жиноятингизга тўлиқ иқрорсиз?
Жавоб: Мен шу иш юзасидан қилган жиноятимга тўлиқ иқрорман.
Имзо: Зариф.

Дастлабки гувоҳликлар ва кўрсатмалар бўйича воқеалар шу тарзда кечган. Бир қарашда ҳаммаси равшандек. Бир қарашда... Беихтиёр ўйланиб қоласан киши. Гувоҳлик беришаётганлар алжирашмаётимики? Йигит-

ларнинг айтишича, чолни урганларидан кейин ётоқхонага қайтиб келишгач, ўртоқларини учратишади. Қўшниларининг гувоҳлик беришларича, чолнинг уйдан бақриқ овози тинганидан сўнг, орадан кўп ўтмай кўчада 4-5 та йигитни кўришган. Улар қаттиқ-қаттиқ гаплашибган. Гувоҳлик берувчининг таъкидлашича, йигитларнинг сўкинганинигина тушуниб қолган. Ўзбек тилини тушунмаслиги сабабли қолган гапларни англолмаган. Фақат эса қолгани «ўлди» деган сўз бўлган. Бунинг ҳам нимани англатишини билмайди. Сиз эса, азиз муштарий, бунинг мазмунини яхши биласиз.

Бўйдоқлик... Улкан сир-саноат. Бўйдоқ киши, қилаётган ишини ўзи ҳам яхши тушунмаганидек, уни бошқалар ҳам тушунмоғи гумон. Ҳамманинг бошидан ўтган бу. Уйқусиз, беором тунлар. Чиройли қизларни кўриб еру кўкка сиғмаган кўнгил. Тоғни ҳам ўнгариб келишга қодир юрак... Таниш туйғулар. Фақат қизларини топиб бермагани учун отасини дўппослаш... Бугеи энди нотаниш. Бугеи энди ваҳшийлик.

Янбердин М. Авиасозлар мавзесидаги касалхонада ўзига келмай ҳаётдан кўз юмди. Суд-тиббий кўриги эса ўлим оғир жароҳат натижасида юз берганини тасдиқлайди.

Одам ўлди. Мухбирнинг вазифаси бировларни айблаш эмас. Бунинг учун тергов ва суд бор. У фақат бўлиб ўтган воқеаларни таҳлил қилмоқчи. Токи бундан чиқариладиган хулоса сиз-у менга ибрат бўлса. Ҳар бир одам ўз хатосидангина хулоса ясаши шарт эмас. Хуллас, жиноят содир этилди. Эътибор берган бўлсангиз, у ҳам деярли ҳамма қонунбузарликлар каби ичкилик оқибатида юзага келаяпти (ҳозирча шундай хулоса чиқаришга ҳақимиз). Ичкиликнинг оғир оқибатлари ҳақида айтавериш сийқалаштириб юбордик. Лекин афсуски, унинг оқибатида содир этилаётган жиноятлар сийқалашмайди. Ҳар сафар янги-янги кўринишда.

Савол: Айтингчи, Зумрадининг отасини нима учун урдингиз?

Жавоб: У менга дўқ уриб кетди. Маст бўлганим учун ҳам икки марта урдим.
(Зарифнинг сўроқ протокоolidан).

Йигитлар маст эди. Ўша тунда нима ишлар қилишаётганини ўзлари ҳам тўлиқ тушуниб, англаб етишмаган. Воқеалар шунақа пойинтар-сойинтар кечганки, четдан туриб қараган кишига аҳмоқона туюлади, холос. Терговни дастлаб Собир Йўлдошев олиб борди. Кейинчалик худди ўша тунда содир этилган воқеалар каби терговнинг ҳам тутуриги қолмади. Умуман олганда тергов терговдек эди. Лекин айбланувчи, гувоҳлар шунақа кўрсатмалар бера бошлашдики... «Иш»нинг дастлаб суддан қайтишига сабаб шу бўлди, айбланувчи берган кўрсатмаларини тан олмади. Терговчи терговни русча олиб борган. Зокир эса: «У нима ёзса, қўл қўйиб бераверганман. Русчани билмайман», — деб туриб олди. Билмадим. Кап-катта, 25 ёшли йигит шунчалик соддалик қилишига шубҳам бор. Қолаверса, бу терговчи-га яхши сабоқ бўлиши керак. Давлат тили тўғрисидаги қонун чиқгани қачон эди. Умуман мени ўйлантираётган нарсаси бошқа. «Иш»да айбланувчининг яна бир кўрсатмаси бор. Унда юқоридаги мазмун битилган. Яъни, русчани билмаслиги тўғрисида. Қизиқ томони шундаки, бу ҳам рус тилида битилган. Барибир одамни ўйлантириб қўяди бу иш.

Қайта тергов бошланди. Ҳаммаси рисоладагидек кетди. Ҳатто мархумнинг қизлари Зумрад ва Эльвиралар

ариза ҳам ёзишди. Унда қизлар Зарифга бўлган даъвосидан кечишган эди.

Қайта тергов тугаб, иш яна судга оширилди. У ёқдан эса олдингисидан бешбаттар сабаблар билан яна қайтарилди. Гувоҳлар ўз кўрсатмаларини, имзоларини тан олишмади. Айбланувчи эса ўзига қўйилган айбларни бутунлай рад этди. Бу орада уни соғлиги ёмонлашгани туфайли тилхат орқали озодликка чиқариб юборишди. Айни кунларда учинчи марта қайта тергов олиб борилмоқда.

«Иш» Зиёвуддин Мухитдиновнинг қўлида. У олдинги ҳамкасбларининг хатоларидан хулоса ясаган ҳолда ишни атрофлича текширмоқда. Ҳаммаси секин-асталик билан ўз изига тушиб бормоқда. Яқин орада тўлиқ ҳақиқат ҳам қарор топса, ажаб эмас. Лекин мана бир йилдан буён бу ёқда ҳуқуқ идоралари ҳалак, у ёқда бир неча хонадонда тинчлик йўқ. Муштипар онанинг уззукун йиғлашлари, хоксор отанинг уйқусиз тунлари. Яна бир томонда худди шундай отанинг ҳаётдан кўз юмиб кетиши. Осонми? Зарифнинг ўзига ҳам осон кечаётгани йўқ. Ҳали уйланмаган, катта ҳаётнинг бўсағасида турган, не-не орзу-умидлар билан яшаётган йигит... Уйлансам, бола-чақали бўлсам, дегадир... Унинг ўрнига қамоқ. Айтишга осон... Эндиги терговда, чолни мен урганам йўқ, кимдир уриб кетган, дейпти. Янаям ким билади, дейсиз. Ўз кўзинг билан кўрмагач. Агар у шу ишни қилган бўлса, виждони қийналаётгандир. Барибир ундан қочиб қутулиб бўлмайди-ку.

Қилмаган бўлса... туҳмат оғир юк. Раҳмат дейиш керак бўлади. Бир йилдан буён шунча юкни кўтариб юриш. Мен ҳам уни жиноятчи бўлиб чиқмаслигини хоҳлардим. Афсуски, кўпгина далиллар унга қарши. Бунинг устига опа-сингиллар ҳам олдинги берган аризаларидан кечишди. «Бу ишни фақат шугина қилиши мумкин». Уларнинг кейинги терговда айтган янги гаплари шу бўлаяпти.

Қўшни Виталийнинг гувоҳлик беришича, кечаси Янбердиннинг уйдан 10-15 минут давомидида қичқирқ овози эшитилиб турган. «Худди уни кимдир ураётгандай эди...» Жудаам узоққа кетиб қолдик. Меҳр-оқибатнинг нишонасини ҳам топиб бўлмайди. Қўшнингни уриб ўлдириб кетишса-ю, сен ҳеч бўлмаса деразадан бош сўқиб, овоз чиқариб кўёлмасанг. Бунинг шаҳар, дейишади. Оқибат деган нарсани унутишган. Бунда энг асосий шир: «Ўзингни эҳтиёт қил».

Чол қизларининг номаъқул қилиқлари, кун кўришлари туфайли ҳаётдан кўз юмиб кетди. Балки буни ёзиш шарт эмасдир, лекин ҳақиқатнинг кўзига тик боқиб, хулоса чиқаришга ҳаракат қилиб кўрайлик. Қўшнилари-нинг таъкидлашича, чолнинг қизлари номаъқул ҳаёт кечиришган. Йигитларнинг ҳаракатлари ҳам шундан далолат бериб турибди. Бу қилиқлари қизларнинг ўзига ҳам арзонга тушмади. Бир томондан оталаридан айрилган бўлса, иккинчи томондан... Эльвира ўз жонига қасд қилди. Бу ҳам ўша ишга алоқадор (яхшиям тирик қолди). Унинг берган кўрсатмаси бўйича... Умуман бу ҳақда ёзиш ҳозирча шарт эмас...

Бўлар иш бўлди. Жиноят содир этганлар эса орадан бир йил ўтиб ҳам озодликда юрибди. Бу ёқда терговчиларнинг боши қотган. У ёқда суд эса ишни қайтаришдан бошқасига арзимаяпти. Икки ўртада жиноятчига маза. Бир йилдан буён ялло қилиб юрибди. Мана мухбир ҳам воқеа иштирокчиларининг номини ўзгартаришга мажбур. У ҳам бировнинг пок номини ёмонга чиқаришдан кўради. Ким айбдор, ким айбсиз эканини фақат суд белгилайди. Қотил эса барибир жазоланиши керак.

Исмоил ШОМУРОВОВ.

БЕЗОРИ МАҲКУМ


Агарда ҳар бир одамнинг ўзи оёққа туриши, яхши яшаши, одамлардек ишлаб, дам олиши учун ўзида ирода топмас экан, атрофдагиларнинг панд-насихатлари бир пул. Уни мажбурий тарбиялаб ҳам, самарали ишлатиб ҳам бўлмайди. Шунақа одамлар керакми-кан жамиятимизга?! Масалан, Владимир Бекобод шаҳар ахлоқ тузатиш муассасасига келмасидан олдин ул марта қамалган. Лекин бу ерда ҳам тинч юролмади. У муассаса ошхонасида ишлаётган маҳбус Александрнинг олди-га келиб, ҳе йўқ, бе йўқ уни ҳақорат қилди. У ҳам сен қамалган бўлсанг, мен қамалмаганманми, дея сўкиш билан жавоб қайтарди. Иккаласининг жанжали авжига чиқди. Владимир стол устидаги пичоқни олиб Александрга ташланди. У ёғоч таёқ билан ҳимояга ўтди. Шу вақтда маҳбуслар Алексей ва Рустамлар етиб келишиб, уларни ажрата бошладилар. Лекин хумордан чиқмаган Владимир яна ўзини Александрга отди ва унинг қорнига пичоқ санчишга улгурди.

Тиббий-суд экспертизаси Владимир етказган жароҳатни ҳаёт учун хавфли, деб топди.

Маҳбусни энди ҳам тарбиялаб бўлармикан?

М. ИСРОИЛОВА.

ДИҚҚАТ, ҚИДИРУВ!



Шу йилнинг 25 июлида Андижон вилояти судининг за-лидан 1972 йили Шахрихон шахрида туғилган, миллати ўрис, муқаддам судланмаган, Андижон шаҳар, Совет кўчаси, 34-уйда яшаган, терговдаги маҳбус Игорь Александрович Сафронов қочган.

И. Сафронов ЎзССЖ ЖМ-нинг бешта моддасида кўзда тутилган жиноятда — оғирлаштирувчи ҳолатда қасддан одам ўлдириб, босқинчилик ҳужуми, талон-торож содир этишда, наркотик моддаларни тайёрлаш, сақлаш, истеъмол қилишда айбланади.

Сафроновнинг белгилари: бўйи 185-190 см, спортчиларга хос гавдали, сочлари тўқ малла ранг, калта.

Қидирилаётган жиноятчи озодликда оғир жиноятларни содир этиши мумкин.

Фуқаролардан ўта хавфли жиноятчи ҳақида ўзларига маълум маълумотларни Андижондаги 4-47-20, 4-26-20, 4-58-02, 4-36-01 рақамли телефонлар орқали ёки энг яқин милиция бўлимига «02» орқали хабар беришларини сўраймиз.

Мана бир неча йилларки, гиеҳвандликка қарши ҳар томонлама кураш олиб борилмоқда: Ҳар йили «Қорадори» операциясини ўтказиш ҳам ўз самарасини бермоқда. Бироқ шунга қарамайдан уни экучи, етиштирувчи, сотувчи ва истеъмол қилувчилар сонни камайтаётган. Бу ишга, айниқса, балоғат ёшига етмаганларнинг қўл ураётганлиги

ҚОП ОРҚАЛАГАН БОЛА

афсусланарлидир. Оғуни етиштириб сотувчилар мўмай даромад кетидан қувиб, истеъмолчиларни жиноятга, жаҳаннамга етаклаётганликларини наҳотки билишмасан? Ён атрофдаги ёшлар, ўсмирларни заҳарлашаётганини-

чи? Яна уларнинг айримлари: «Жиноятчилик нега кўпаймоқда?» — деб бонг уришади.

Бекобод шаҳар ички ишлар бўлими ходимлари томонидан 10 июль куни гумон билан идорага келтирилган 41 ёш-

ли В. Ян текшириб кўрилганда, унинг ёнидан 40 грамм наша ва истеъмолга тайёрлаб қўйилган шприц топилди.

9 август куни рейд вақтида Сирдарё бўйида қоп орқалаб келаётган 14 ёшли В. Али тўхтатилди. Унинг қопидаги 7 килограмм 400 грамм ўсимлик ёввойи наша эканлиги аниқланди.

У. ЭЛИБОВ.

Шанба учрашувлари

Бир кўрган таниш

[«ЮРДОШЛАРИМ» ТУРКУМИДАН]

...Энагул эшикнинг «кўча»-сидан, тикилиб-тикилиб қаради. Йўлак қоп-қоронғу, тақилла-таётган кимсанинг сулдари ҳам кўринмас эди.

— Бийи, кўрқма! Н, очинг. Мен Озодвойни олиб келдим. Энагулнинг юраги тез уриб кетди. «Нега олиб келади?» Шошилиб эшикни очди. Уйдан тушган нур қоронғуликни нарироққа итарди. Маст эрини суяб турган барваста эркакни Энагул танимади. Бироқ тили калимага айланмади ҳам. Эрининг бир қўлигидан бошини чиқазиб, уйга судради. Нотаниш эркак унга кўмаклашган бўлди.

— Бийи, танишганимиз учун жўра билан озроқ тортдик, айбга қўшманг. Вагонда яхши эдию тушгач, шамол кўтардим, жўрам сал... — Эркак гуноҳкорона илжайди. — Ҳа, йигитчилик-да, сўкиб ўтирманг жўрани. Мана бойдиги. У қўлидаги жамодончани Энагулга бир боғлам сомон узатгандай бепарво тутқазди. Энагулнинг кетган кўркуви каттароқ бўлиб қайтиб келди. Қўлларига, тиззаларига қалтироқ кирди.

— Калитиниям олиб қўйган эдим, — эркак оқариб кетган гупписининг гоҳ у, гоҳ бу чўнтагига қўлини тикиди...

Энагулга бу одам найранг қилаётгандай туюлди. У бир калит ахтарётган эркакка, бир бурчакдаги телефонга алангларди.

...Озодвой ҳар ойнинг охирида юрт ошиб, бошлиқларига ҳисоб бергани боради. Жамодон тўла қоғоз ёнида доим бир катта тўрхалта бўлади. Шу тўрхалтадаги совғалар кучиданми ё ўзлари, яхши иш-лашадими, ишқилиб, ҳар гал ўша ҳисоб-китобнинг жамодони қайтишда лиқ тўла пул билан қайтади. Бу Озодвойга тегишли ишчиларнинг ойлик маоши.

Энагул неча марта ёлворди: «Ҳай, тўтридан ўғри кўп. Қонун-қондаси билан олиб келинг. Бирортаси искаб юрган бўлса, зор қақшаб қола-сиз!» — деб. Озодвой қўл силтаб қўя қолди: «Мен Султон Вайснинг назари тушган йигитман, ўзи қўллаб туради, нима қиларди?» — дейди.

Бу сафар ҳар галгидан ҳам ошиб тушибди. Ўзи оёқда туролмайди, тагин жамодони жонивор бировда...

— Мен борай, бийи, эшикни сал ёпмай турасиз, эн-

ди, — деди эркак калитни узатиб.

— Нера?..

— Уша ёқлардан озгина карчика олган эдим, арзонроқ экан, ҳали сеткамни билангига бойлагандим, йўлда судралайвериб йиртилибди, ўнгмагур. Карчикаларим йўлагингизга сочилиб кетди, шунини терамиз энди.

Бу одамнинг товуши шу қадар самимий бўлса ҳам, Энагул иккиланаверди.

— Йўлакнинг чироғи йўқ. Безорилар патронигача ўмариб кетишган. Қоронғуда туртиниб юрманг, бирпас ёнбошлаб турсангиз, тонг отса, чой-пой ичиб борарсиз. — Нихоят Энагулнинг тили сўзга айланди.

— Э, йўқ. Болалар кутиб ўтиришди. Уйим узоқ эмас, Шўрқалбада. Жўрамнинг калласи пишса, айтарсиз. Боринглар, Бектемир дук-дукчи де сангизлар, ҳамма танийди. — Эркак гапириб-гапириб йиртик тўрхалтасини у ер, бу еридан боғлаб, эпакага келтирди.

Картошқаларни эгилиб-эгилиб тера бошлади. Эшикдан чиқишга Энагулнинг юраги дов бермади. Гуё «қўйиб юборсам, ёпилиб қолади, шунинг учун ушлаб турибман» дегандай эшикни ушлаб, қисиниб-гина турди.

Нотаниш одам ишини тугатди, жўрасини яна бир бор уйига таклиф қилиб, гурс-гурс юриб чиқиб кетди, Энагул эшикни шарақлатиб қўлфлади. Тепадаги илгични солишни ҳам унутмади. Шошилиб жамодончани очди: бойлам-бойлам пуллар. Юз...икки юз... Энагул калта-калта нафас олиб пулларни икки карра санаб чиқди, камин йўқ. Бир бойламини чироққа тутиб ҳам кўрди. «Қалбакисига алмаштириб қўймадимикин?» Лекин пулда гумонни тасдиқловчи бирор нишона кўрмади.

Энагул узун «куҳ» тортиб енгиллашди-да, ўрнига қўзланди. Кўз олдига ҳалиги киши келди: оёғида уч-тўрт қишни кўрган кирза этик, бошида ёши шу этикдан кичик бўлмаган жўнггина попоқ... «Мени худо олғай, бошқа сетка ҳам бермабман, — деб юраги сиқилди. — Йўлда яна узилиб кетиб, қийналиб юрган бўлсая...»

Озодвойнинг эса дунё билан иши йўқ, қотиб ухларди. У ҳали-бери уйғонадиганга ҳам ўхшамасди.

Қўлибека РАҲИМБОВА.

[ХИЗМАТ БУРЧНИ УТАШ ПАЙТИДА ҲАЛОҚ БУЛГАН ХИЗМАТДОШЛАРИМИНИНГ ПОРЛОҚ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАЯМАН.]

Дўстим, яшардингиз шу гул ҳаётда. Жиноят дунёсин титратиб зир-зир. Наҳот, бугун Сизга бўлмишдир маскан, Сокин бир қабристон, совуқ бир қабр. Юракда ушаламай кетган тилаклар, Қабрларда осмон ёшига қониб. Товланиб туришар турфа чечаклар, Бедор кечаларда қонли из қолди. Тақдирга тўкилган дардди туз қолди. Ортингиздан бўзлаб бўзтўрғай мисол, Ёшга тўлган не-не мўнгли кўз қолди. Меҳрга қонмаган кенжатоинингиз, Тўнлари алаҳлаб «ада»лаб чиқар. Ёниб адо бўлган шўрлик ёрингиз, Кўксига аламлар қадалиб чиқар. Ҳайҳот, бу оламда гофил кўпаяр, Оқиллар оз қолиб, жоҳил кўпаяр.



ТОҒ МАНЗАРАСИ.

Ҳабибулла ШОДИЕВ олган сурат.

ДОНОЛАР БИСОТИДАН

Бир мўмин-қобил киши икки гапининг бирида: «Ҳақиқат қарор топади», — дер эди. Иттифоқо у бир жиноят устидан чиқиб қолди. Миршаблар: «Қотилсан», — деб уни қозининг қосиғига олиб боришди. Сўроқ-жавоблардан масала ойдинлашмади. Ҳалиги киши: «Ҳақиқат қарор топади», — деб тураверди. Қози уни қатл этишга ҳукм

чиқарди. Жаллодлар ҳозирлик кўраётган эдилар, одамлар орасидан бир киши олдинга чиқди.

— Қотил мен, — деди у. Сўроқ-жавоблар туфайли қотил жиноятини батафсил айтиб берди, айбини бўйнига олди.

Гумон билан ушланган киши сиртмоқдан озод бўлар экан деди:

— Ҳақиқат қарор топгунча, жон ҳалқумга келиб қолар экан.

НИДО

Ғаним-ла курашда дўстан айрилдик, Биз раҳм қилганда, қотил кўпаяр. Малъунлар найрангин кўриб қўй, халқим, Ғамхўринг ўлдириб, устингдан кулар. Уз қабрих ниятини гуллаш учун, Сени сотмоққа ҳам тайёрдир улар. Лек, бенаф кетмаган шаҳидлар қони, Одил қонуи билар қотилнинг наҳсини. Фақат сен ҳушёр бўл, Ўзбекистоним, Англай ол дўст ила душманининг фарқини. Зикрилла НЕЪМАТОВ, Бухоро вилояти ИИБ ходими милиция лейтенанти.

ТАҲРИРИЯТДАН: муаллиф ушбу шеърнинг қалам ҳақини ҳалок бўлган милиция ходимларининг она аъзоларига ёрдам жамғармасига ўтказишни илтимос қилган.

МАСХАРАБОЗЛИК

[ЛУҚМА]

Шу йил 26 август куни кеч-қурун Ўзбекистон ойнаи жаҳонда «Чархпалак» ёки «Бахтингдан кўр!» номли кўрсатувни кизиқиш билан эмас, балки ижирганиш билан томоша қилдим.

Энг аввало бошловчи Соат Шариповнинг ўзини тутуши, ҳатти-ҳаракатлари энсамни қотирди. Шунақа бачкана, шунақа қуруқ!

«Сизга омад тилайман», — деган жумлани, агар янглишмасам, 100 марта такрорлади. Ҳатто ғолибларни рағбатлантириш учун қўйилган буюмлар «совриндор» эмиш.

Мақсад бу кўрсатувни яна давом эттириш бўлса, Соат Шариповни буткул четлаштириб, бошловчи вазифаси учун танлов эълон қилиш даркор.

Қолаверса, бу кўрсатувга ҳаммани эмас, меҳнат жамоасида энг билимли ва мушоҳадали деб топилган кишиларни таклиф этиш керак. Ваҳоланки, «ғолиб»лар ҳам оддийгина арифметик жадвални билишмайди, «Силаев ким?» — деган саволга: «Спортчи!» — деб жавоб қилишадди!

Бу кўрсатувни бошқа жумхуриятларда истиқомат қилаётган юзлаб, минглаб томошабинлар ҳам кўришади. Хўш, улар Навоийдек зукко мутафаккирининг ҳозирги авлодлари устидан кулишмайдими?

«Телевизорга чиқарганлари шунчалар гумроҳ экан, бошқаларини қўяверинг!» — деб тиззаларига шапиллатиб, кўзларидан ёш чиққунча қаҳ-қаҳа отишмайдими?

Шундоқ ҳам асаблар таранг тортилган бир пайтда бир гуруҳ соддаларни рўқач қилиб, ўзбеки бекордан бекорга, асосиз масхаралашнинг нима кераги бор!

Раҳмонали ТУРСУНАЛИЕВ, милиция майори.

ФРОНТ ХАНДАСИ

— Айтчи, Холтўра, урушда немис солдат билан юзма-юз келганмисан?

— Э, бунақа ҳолатлар кўп бўлган.

— Муштлашишдан олдин нима дегансан?

— Ҳеч нима, чунки у ўлиб ётарди.

Нормамат ТОҒАЕВ

МУРҒОБ ҚИЗИҚ ҲАНГОМАЛАРИ

Улфатлардан бири ижирғаниб деди:

— Нима, анавини кўрма-япсанми?..

— Хўш, — дебди Мурғоб қизиқ бепарво оҳангда, — унинг нимасини кўрай, бир одам-да.

— Э, садқан одам кетсин, ҳеч бўлмаса, қўл-бетини ювиб, тозароқ бўлиб юрса, ўлади-ми? — дебди бошқа бир улфати.

— Э, ҳа, — кулибди Мурғоб

қизиқ, — унинг кийим-боши юз-қўли кирлигидан иштаҳаларинг бўғилдими? Ҳозирги кунда бундай юриш айб эмас.

Ҳамма улфатлари ҳайрон бўлиб Мурғоб қизиққа қарашибди.

— Сабаби — дебди икки-таси бирдан.

— Сабабини айтсам, ошхўрликни давом эттирасизларми? Улфатлар қизиқиб қолиб, шартта рози бўлибдилар.

Мурғоб қизиқ бироз кўзини юмиб қилибди ва: — Эшитинглар, сабаби қуйи-

дагича, — деб тўрт мисра шеър айтибди.

Сана десам, сабаб бисёр, сабабдан кўп баҳона, Айтиб бўлмас барини, уч-тўрт қатор шеър не, дostonда. Мурғоб қизиқ, юз-қўл яғир, устим кир, деб сиқилма, Ювуқсизлик айб эмас совун тақчил замонда.

Улфатлар Мурғоб қизиқнинг маънодор жавобидан завқланиб, ошхўрликни давом эттиришибди.

Дилмурод САИДОВ.

Муҳаррир
Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Лопатин кўчаси, 1.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмаҳонаси 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: Муҳаррир,
муҳаррир ўринбосари — 39-77-23,
37-23, 46-56 (ички).

«ПОСТДА» — («НА ПОСТУ») Орган коллегия МВД
УзССР
26609 нусхада чоп этилди.